



Ёз — ўтади соз!

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

ҲУҚУҚШУНОСЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Шу йилнинг 1-2 июнь кунлари пойтахтимиздаги Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатияси университетига Ўзбекистон судьялари ассоциацияси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, АҚШ ва Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихоналари ҳамда Америка юристлар ассоциациясининг Марказий ва Шарқий Европа ҳуқуқий ташаббус Дастури (ABA CEELI) асосида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда "Тергов органларининг фуқароларнинг ҳуқуқларини чекловчи ҳаракатлари устидан суд назорати" масалалари муҳокама этилди. Мухбиримиз конференция иштирокчилари билан суҳбатлашиб, уларнинг фикрларини қозғога туширди.

Ганно Ганчев,
Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази бошлиғи:

— Тошкент, Навоий, Бухоро вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари иштирокида дастлабки тергов органларида фуқароларнинг ҳуқуқларига доир қонунларга риоя этишлари устидан суд назорати халқаро ҳуқуқ нормалари бўйича қандай амалга оширилиши борасида тренинг ўтказилди.

Натижалар жуда қувонарли. Энди бундай тренингни Самарқанд ва Фарғона вилоятларида ўтказишни режалаштирганмиз.

Конференцияга тўпланишдан мақсад ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳонда қўлланиб келинаётган илғор тажрибалар билан ўртоқлашиб, фикр алмашиб ва шу асосда Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохот-

ларда улардан фойдаланган ҳолда суд-ҳуқуқ тизимини жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш ва нихоят инсон ҳуқуқларини таъминлашда суд назорати фаолиятини ташкил этишдан иборатдир. Ана шундагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

А.Тухташев,

Ўзбекистон судьялари ассоциацияси раиси:

— Мустиқликнинг ўтган 10 йили давомида қонунчилик ва суд-ҳуқуқ соҳасида жуда катта ўзгаришлар юз берди.

Ўтган қисқа давр мобайнида нафақат қонунчилик, балки ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасидаги муносабатларда ҳам ўзгаришлар бўлди. Яъни ўзаро муносабат маданияти янги мазмун касб этди. Бугун биз суд-ҳуқуқ соҳасидаги ишларда катта муваффақиятларга эришдик деб, мағрурланиб гапиришимиз мумкин. "Судлар тўғрисида"ги янги тахрирдаги қонуннинг қабул қилиниши билан суд соҳасида туб ўзгаришлар қилинмоқда. Янгича жаҳон андозаларига мос келадиган суд тизими янги апелляция инстанциясида иш юритиш жорий этилди, кассация ва назорат тартибиде иш кўриш янада такомиллаштирилмоқда.

Муҳокама этилаётган масалалар одил судловни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ. Бугун бу ерга тўпланишимиздан мақсад ҳам ушбу масалада ўзаро фикр алмашиб, керакли жиҳатларини такомиллаштиришдир.

Конференция сўнггида Америка юристлар ассоциациясининг Ўзбекистондаги вакили жаноб Эллот Алхадэф таширф буюрган барча меҳмонлар ва ҳомийларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

Д.ХАЛИЛОВ,
"Ҳуқуқ" муҳбири

Ушбу сонда

ҚОТИЛГА ОЛИЙ ЖАЗО

4-бет

Саккиз болани вояга етказган ота-она кенжаси ўқтамбойни вақти келиб қотилликка қўл уради, деб сира ўйламаган эди. Кенжа ўғил — кенжа ўғил-да. Уни барча фарзандларидан ҳам кўпроқ суюшгандир, балки...

ФАРЗАНДЛАР СОҒЛИГИ — ДУНЁНИНГ БОЙЛИГИ

5-бет

Болаларнинг мириқиб чўмилиши учун ҳовузлар тўлиқ таъмирдан чиқарилган. Ёзги клуб, маънавият хонаси, ошхона, спорт майдончалари аъло даражада. Кўриб кўнглинг яйрайди.

«**HUQUQ**»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

A.ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Ismoilov,
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34
E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'yozma
va suratlar egalarga
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.

Nashrimizdan ko'chirib
bosilgan «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materijallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxonaning manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Taron ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 2549
Nusxasi — 20609
Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 21.00
Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navyatchi muharrir:
H. NISHONOV
Navyatchi: N. MAHMUDOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

УЧРАШУВ

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

ХАДЕМАЙ халқимиз истиклолнинг ўн йиллигини нишонлайди. Ва шунинг баробарида тарих олдида арзимас бир вақт оралиғида эришилган, амалга оширилган ишларини сарҳисоб этади. Ўн йил. Биз уни тарих гилдираги учун арзимас вақт дедик. Бирок чиндан ҳам арзимасми?

Шу ўн йил ичида юртимизда амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар юз йилларга татиғулик эканлигини таъкидлашнинг ҳожасти йўқдек, назаримда. Мамлакатимиз бугун тараққиёт йўлида илдам кетмоқда. Бу йўлнинг ўзига хос шартлари бор, албатта. Уларнинг энг асосийси — ҳуқуқий-демократик жамият барпо этишидир.

Таъкидлаш жоиз, бугунги фуқаро бундан ўн йил олдинги фуқародан кескин фарқ қилади. Кечагина қонунни рўқач қилсанг юзидан қони қочадиган фуқаро, бугун айнан қонуннинг ўзидан паноҳ топишга ўрганди.

Бу аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг ҳосиласи, десак муболага бўлмайди. Бунда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти катта эканлиги биз журналистларни қувонтиради, албатта.

«Қонун ҳимоясида» журнали ҳамда «Хуқуқ» газетасини ҳам айнан истиклол фарзанди дейишга тўла ҳаққимиз бор. Шундай экан, биз учун муваққиллик бу жиҳатдан ҳам қадрилик. Худди шунинг учун ҳам тахририят айнан истиклолнинг ўн йиллиги арафасида ўз иш фаолиятини сарҳисоб қилиш мақсадида ўқувчилар даврасига кириб бораётгани, оқиқ мулоқотлар, учрашувлар ташкил этаётгани ҳам айнан ана шу қадр туфайли, десак янгилишмаган бўламиз.

Тахририят ходимларининг бу гапни учрашуви Гулистон Давлат

университети талабалари ҳузуринда бўлиб ўтди. Учрашувда тахририят ижодий жамоаси билан бирга вилоят прокурори Э.Бердимуродов, Гулистон шаҳар прокурори Д.Холбоев ҳамда университет ўқитувчилари жамоаси иштирок этдилар.

Учрашувда сўзга чиққан вилоят прокурори Э.Бердимуродов қонун устиворлигини таъминлаш борасида прокуратура органлари амалга ошираётган ишлар, хусусан, ёшлар ўртасида қонунбузарликнинг



аҳволи ҳақида ахборот берди.

— Прокуратура жазолловчи орган эмас, деган ибора бугунги кунга келиб халқимиз онгида шаклланиб бўлди, — деди сўзининг пиравардида Э.Бердимуродов. — Бунда матбуотнинг роли беқиёс эканлигини кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, «Қонун ҳимоясида» журнали ҳамда «Хуқуқ» газетаси тахририяти олиб бораётган ишларни ижобий баҳолаш зарур.

— Собик тузум даврида галати бир одат бор эди. Агар бирон-бир муаммага дуч келиб қолинса, албатта уни ҳал этиш таниш-билиш орқали амалга оширилади, деган тушунча мавжуд эди. Бугун эса шундай дамда қонунга мурожаат этиш одат тусига айланмоқда. Бу нима-лиятини сарҳисоб қилиш мақсадида ўқувчилар даврасига кириб бораётгани, оқиқ мулоқотлар, учрашувлар ташкил этаётгани ҳам айнан ана шу қадр туфайли, десак янгилишмаган бўламиз.

ТАДБИР

МАҲАЛЛАДА УЧРАШУВ

Ташкент шаҳар прокуратураси ташаббуси билан Юнусобод тумани «Иттифоқ» маҳалласида учрашув бўлиб ўтди. Унда Ташкент шаҳар прокурорининг ўринбосари Б.Валиев шаҳар прокуратураси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш, жиноятчиликка қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида амалга оширилиётган ишлар билан йиғилганларни таништирди. Шунингдек, бу борада маҳалла фаоллари билан ҳамкорликнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, жумладан шундай деди:

— Ташкент шаҳар прокуратураси раҳбарияти билан келишилган ҳолда маҳаллаларда аҳоли иштирокида прокуратура ходимлари билан учрашувлар ташкил этиляпти. Бундан қўзғалган мақсад, аҳоли фикрини ўрганиш, қонунларнинг бажарилиши, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, юзга келаётган муаммоларни шу ернинг ўзида ҳал қилиш, шу билан биргаликда, мазкур жарафна аҳолининг ўзини ҳам жалб этишидир.

Йиғилганларда бир савол туғилиши мумкин: ҳўш, нима учун «Иттифоқ» маҳалласида йиғилиш ўтказилляпти? Бунинг сабаби: мазкур маҳаллада шу пайтга қадар бошқа маҳаллаларга қараганда кам, яъни 2 та жиноят содир этилган. Демак, бу ерда маҳалла фаоллари яхши ишламқоқдалар. Ўз вазифасига нисбатан масъулятини бошқа маҳалларда ҳам жонлантиришга эришимиз лозим.

Шундан сўнг Юнусобод туман прокурори С.Норҳўжаев, маҳалла оқсоқоли Т.Рустамов ва бошқа мутасадди ходимлар сўз олиб, жиноятчиликнинг олдини олиш, айниқса диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда маҳаллаларнинг ўрни муҳим эканлигини таъкидладилар. Маҳалла аҳли уларни қизқтирган саволларга жавоб олдилар.

(Ўз мухбиримиз.)

КЕНГАШ

КўП ГАПИРИШ ЭМАС, ИШЛАШ КЕРАК

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг навбатдаги идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаши бўлиб ўтди. Мажлисни республика прокурори, III даражали давлат адлия маслаҳатчиси Х.Халимов кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг, мажлис кун тартибидagi масалалар муҳокамаи бошланди. Уларда «Дехқон-фермер хўжаликлари, ўрта ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга оид қонунчиликнинг ҳолати», «Ер кодекси ижросининг республика ҳудудида бажарилиши ҳақида», шунингдек, «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг бажарилиши тўғрисида»ги масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда фермер хўжаликлари ва тадбиркорларнинг ёнгилаймоллаш материалларни ўз вақтида олишида ҳамон овозгарчиликлар бўлаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Шартномалар бир томонда, иш бир томонда қўлиб кетмоқда.

Республика бўйича 500 минг гектар сугориладиган ерлар мавжуд. Ушбу ер майдонларининг 33,3 минг гектари 216 минг 812 та оилага томорқа тариқасида, 455 минг 756 гектари 1662 та турли хил хусусий мулк эгалари томонидан фойдаланиб келинмоқда.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш ўринлики, банклар томонидан бериллятган кредитлар савдо-сотик ва бошқа йўналишларга узлуқсиз берилляпти-ю, лекин қишлоқ хўжалик соҳасига келганда оқсаётганлиги кишини ажаблантиради. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун республика бўйича 2000 йилда битта кичик корхона ва 4 та фермер хўжалигига атиги 653 минг сўм кредит ажратилган ҳолос.

Кун тартибидagi учинчи масала — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги қонунларни ижро этишда ҳам камчилик ва нуқсонлар борлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Жумладан, Тўрткўл тумани Халқ банки раҳбарлари томонидан нафақалар учун ажратилган 10 миллион 962 минг сўм пулнинг ўзлаштирилиб юборилганлиги қайд этилган.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари тушунтириш бердилар.

Мажлис кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Н.ОҚНАЗАРОВ,
«Хуқуқ» мухбири

ларнинг биттаси, шубҳасиз, матбуотлар. Истиклол шарофати билан мамлакатимизда ҳуқуқий нашрлар сони кўпайди. Уларнинг адади 300 мингдан ортқичи ташкил этади.

«Қонун ҳимоясида» журнали ҳамда «Хуқуқ» газеталари ҳам шулар қатори эҳтиёж фарзанди сифатида дунёга келганига беш йил ўтди. Бу вақт мобайнида бир қатор ютуқларга эришдик. Лекин ҳақиқий баҳони ўқувчи атайди. Шунинг учун, фақат бир нарсани айтишим мумкин. Тахририят ўз олдига улкан мақсадларни қўйган. Бу борада аниқ режаларимиз ҳам йўқ эмас. Энг асосийси фуқаролар манфаати ҳимояси бизнинг ишимизда дастурилламаб бўлиб қолаверди, — деди тахририят бosh мухбири А.Абдураззоқов.

Учрашувда университет прокурори Х.Абдукаримов, тарих факультети талабаси Б.Усмонов, кафедра мудири Х.Абдуллаҳатов, «Қонун ҳимоясида» бирлашган тахририяти бош мухбири ўринбосари Б.Назаровлар сўзга чиқиди.

Улар ҳуқуқий саводхонликни

оширишда матбуотнинг ўрни, вазифаси ҳақида гапириш билан бирга ўз тақлиф ва мулоҳазалари билан ҳам ўртоқлашдилар.

Жумладан, ҳар иккала нашр саҳифаларида мавжуд қонунларни шарҳлар, ислом қонуншунослиги, ундаги иборалар луғати, жазони ўтаб қайтганлар тўғрисида мақолалар бериб борилишини тақлиф этдилар. Айни пайтда А.Абдураззоқов бу тақлифлар инобатга олинишини эътироф этиб, университет кутубхонаси учун «Қонун ҳимоясида» бирлашган тахририяти томонидан чоп этилган детектив киссалар тўпламини тақдим этди.

Учрашув ҳар икки томон учун ҳам самарали яқунланди. Айниқса, тахририят ходимлари учун ўз ўқувчилари билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва истақларидан баҳраманд бўлиш эртанги фаолиятда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Ж. ШАРОФБОВ,
«Хуқуқ» мухбири

«ҚОНУНБУЗАР» КОРХОНАЛАР

Ўтган ҳафта Ташкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани прокуратурасида туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлиги, молля, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, солиқ идоралари, корхона ва ташкилотлардан вакиллар иштирок этди.

Мажлисни туман прокурори Б.Ҳақназаров очиб, туманда диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан қилинган ишлар, шунингдек, туман ҳудудидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат ва табиати муҳофаза қилишга доир қонунчилик юзасидан ўтказилган текширишлар натижалари ҳақида ахборот берди.


Туманда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, бирок бу борада айрим камчиликлар мавжуд. Тадбиркорлар фаолиятига ҳамон қонунчилик аралашши ҳоллари учрамоқда. Улар беҳуда сарсон-саргардон қилинапти.

Туман ҳудудидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат ва табиати муҳофаза қилишга доир қонунлар ижроси юзасидан олиб борилган ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Яқинда «Ўзбеккабел» ДАЖ, «Доиче Кабел» ҚҚ, «Мармартош» ЖК, «Тоза Гишт» ЖК ва «Махсустрэнс» корхоналарида текширув ўтказилганда, улар фаолиятда жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Хусусан, текширилган корхоналарда ишчилар учун етарли шарт-шароит яратилмаган. Ювенили хоналари иссиқ сув билан таъминланмаган. Тиббий шохобчалар ишламапти. Айрим корхоналарнинг тозалаш мосламалари носоз. Заводлар ҳудудида чиқиндилар йиғилиб қолган. «Махсустрэнс» корхонаси эса маҳаллаларда йиғилиб қолган мазиш чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб чораларини кўрмапти. Натижада кўп қаватли уйларнинг олдида ахлат уюлиб қолган. Ҳатто уларни олиб чиқиб бўйича узаро шартномалар ҳам тузилмаган.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди идора раҳбарларига кўрсатмалар берилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз.)

«ХУҚУҚ» қа жавоб берадилар



ҚОНУНИЙ ЧОРА КЎРИЛАДИ

Тахририятимизга келётган хатларнинг аксариятини шикоятлар ташкил этади. Олмаликлик Н.Хусановнинг шикояти ва уларга берилган жавоблар юзасидан олинган расмий жавобда шундай дейилади:

Сизга шунини маълум қиламанки, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳрида яшовчи фуқаро Хусанова Нафиса Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ДСИ ходими Мустафоев Аҳмаджон 2000 йил июль ойида чөл элга ишлаш учун юбораман, деб ундан 1500 АҚШ долларини олиб, ишга юбормаганлиги ва шу кунга қадар пулни қайтариб бераётганлиги учун унга нисбатан чора кўришни сўраб эъза ариза билан мурожаат қилган. Ушбу ариза Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасида кўриб чиқилиб, А.Мустафоев 2001 йил 1 февраль кuni 12-буйруқ билан ишдан бўшатилганлиги сабабли, унга нисбатан қонуний чора кўриш учун ҳудудий жаҳатдан 2001 йил 16 февраль кuni Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ИИБга юборилган.

Мазкур ариза 2001 йил 31 март кuni Мирзо Улугбек тумани ИИБ ходимлари С.Сиев ва М.Никитинга қонуний ҳал қилиш учун топширилган. Бироқ С.Сиев ва М.Никитинлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-330-моддалари талабларини бузиб, 10 кунлик муддат ичида уни ҳал қилиш чораларини кўрмаганлиги сабабли туман прокуратураси томонидан юқоридаги ҳодимларга нисбатан 2001 йил 2 май кuni интeнзoвий хуқуқбузарликка доир иш кўзга тилинган.

Шундан сўнг, ариза 2001 йил 5 май кuni тергов бўлими терговчиси-М.Парпиева томонидан қабул қилиниб, дастлабки терговга қадар бўлган суриштирув ҳаракатлари олиб борилган. 2001 йил 15 май кuni ушбу ҳолат юзасидан А.Икромов тумани ИИБ ТБда бўлган жиноят ишига қўшилиш учун Тошкент шаҳар ИИББ ТБнинг оғзаки сўровига асосан юборилган.

Б.ХАҚНАЗАРОВ,

Мирзо Улугбек тумани прокурори

Миннатдорчилик

ЯХШИЛАР БОР БЎЙЛЕЧА

Мен 10-15 йилдан буён қандли дивабет касаллиги билан оғриб, бир оёғимдан ажраб, ногирон бўлиб қолдим. Шу кунларда иккинчи оёғим ҳам азоб бермоқда эди. Бунинг устига қон босимим бор, бошим оғрийди. Даволаниш қийин. Ўзим юролмайман. Болаларим билан кенгашиб Хива туманлараро прокуратурасига мурожаат қилишга қарор қилдим.

Прокурор мени илик қабул қилди. Аҳволимни бирма-бир баён қилдим. Кейинги вақтларда имтиёзли дори-дармонлар берилмаётгани, туман ижтимоий таъминот бўлимига оёғимга иссиқ кийим тиктириб беришни сўраб мурожаат қилганим-у, халигача жавоб ололмаганимни айтдим.

Прокурор қабулидан биров вақт ўтиб, уйимизга дўхтирлар келиб аҳволимни текширишди. Эртасига мени касалхонага ётқизишди. Яхши қараганлари туфайли бир ҳафтада соғайиб чикдим. Ҳозир ўзимни яхши ҳис қиламан. Бу аввало прокуроримиз Қ.Нурметовнинг гамхўрлигидандир. У кишига, шифокорларга миннатдорчилик билдираман. Умрлари узок бўлсин!

Салом ХУСАИНОВ,
уруш қатнашчиси

«ЎЗИ БЕК, ЎЗИ ХОН»

«ХУҚУҚ» 18-сон, 2001 йил

Ушбу мақола вилоят прокуратураси томонидан кўриб чиқилди. Аниқланишича, А.Худойқулов 1995 йил 11 сентябрь кuni Бандихон туманидаги «Дустлик» жамоа хўжалигига қарашли 67 бош қорамолни 267000 сўмга, яроқсиз ҳолдаги 1 дона МТЗ-80 тракторини 3841 сўмга, 1 дона прицепни 2300 сўмга, 1 дона 10 тонналик сув сақлагич ишонини 1953 сўмга, 1 дона 5 тонналик сув тарқатгични 1953 сўмга, 1 дона озуқа тарқатгични 17770 сўмга, сизирлар туғруқхонасини 11350 сўмга, 1 дона КИМ-24 ўт ўриш аппаратини 516 сўмга Бандихон туман кимоиди савдоси орқали жами 320683 сўмга сотиб олган.

Туман ҳокимининг 1995 йил 12 декабрдаги 268-қарори билан «Қумқўртон» деҳқон-фермер хўжалиги ташкил этилиб, унга 154 га суғориладиган ер майдони ажратиб берилган. Мазкур хўжалик деҳқончилик-чорвачиликка ихтисослаштирилган.

Туман прокуратураси томонидан А.Худойқулов бошлиқ «Қумқўртон» фермер хўжалигида «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун ижроси юзасидан олинган маълумотлар ўрганилганда, фермер хўжалиги бошлиғи сурункали равишда ердан мақсадсиз фойдаланиши, ҳўслдор ер майдонларини танишларига турар-жой қуриш учун берайлиги аниқланган. 2000 йил 5 июнда туман ҳокимлигидан фермер хўжалиги фаолиятидаги юқорида қайд этилган қонунга хилоф ҳолатларни кўриб чиқиб, тегишли чора кўриш сўралган бўлса-да, масалага етарлича ёндашилмаган ва қатъий чора кўрилмаган.

Бундан ташқари, туман прокуратурасининг қарори Шеробод туман судида кўрилиб, А.Худойқулов ва зверо бошлиғи Б.Самодовлар ер бериш тартибини бузганлиги учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Ко-декснинг 66 ва 200-моддаларига қўра маъмурий жавобгарликка тортилганлар.

Туман ҳокимлиги томонидан қонунбузарлик ҳолатларига нисбатан қатъий чора кўрилмагани натижасида А.Худойқулов яна ердан мақсадсиз фойдаланиб, 2001 йил баҳорда пахта етиштириш мўлжалланган майдонларда фермер хўжалиги аъзолари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан шартномалар тузган.

2001 йил 16 март кuni фермер хўжалиги тасарруфидаги ер майдонидан фуқаро Абдурайимов Нодирга 0,30 га, Тўраев Шералига 0,37 га, Бозоров Абдурахмонова 0,38 га, Исмоилов Пардага 0,36 га, Аллаёров Абдулазизга 0,36 га, Тўраев Чориса 0,14 га ер томорқка сифатида ноқонуний равишда бўлиб берилган. Фермер хўжалиги бошлиғи А.Худойқулов томонидан фуқаролар Абдувоҳид, Абдулло, Абдуназар, Баҳодир Аликуловларга 1 гектар ер берилиб, улар ердан режада кўрсатилмаган полиз ва сабазтов маҳсулотлари етиштириш учун фойдаланиб келишётгани аниқланган.

«Қумқўртон» фермер хўжалиги 2000 йилда 154 гектар ерда деҳқончилик қилган бўлиб, шундан 60 гектар ерга ғалла, 74 гектар ерга пахта, 5 гектар ерга полиз, 23 гектар ерга беда экиб, фақат ғалла, полиз, ва беда етиштириш режаларини бажарган. Ердан ноқонуний равишда бошқа мақсадларда фойдаланиш натижасида 22885 кг. пахта хом-ашёси етиштирилган. Шунинг оқибатида 1398276 сўм кам даромад қилинган. Бандихон туман прокуратураси томонидан А.Худойқуловнинг айби билан «Қумқўртон» фермер хўжалиги манфаатларига етказилган зарарни ундириш хусусида Шеробод туманларо фуқаролик судига даъво аризаси киритилган. Юқорида қайд этилган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш юзасидан туман ҳокимлигига тақдиминома киритилган.

Мақолада А.Худойқуловнинг фермер хўжалиги ҳисобидаги чорва молларини талон-тарож қилганлиги хусусидаги вазжлар бевосита «Қумқўртон» фермер хўжалигининг молиявий фаолиятига боғлиқ бўлганлиги сабабли, 2001 йилнинг 2-ярмида ушбу фермер хўжалигида текшириш ўтказишга рухсат беришни сўраб назорат қилувчи орган фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашига тақлиф берилди.

О.БОЙЗОКОВ,

Сурхондарё вилоят прокурорининг 1-ўринбосари

ҚАРЗ ТЎЛАНГАН

Жарқўртон туманидаги Н.Боймуродов номли жамоа хўжалигида яшовчи Жумагул Суёнова тахририятимизга хат ёзиб, касаллиги туфайли кўшнисидан катта миқдорда қарз бўлиб қолганлиги, иқтисодий аҳволи оғирлиги учун қарзини қайтаролмаётганлиги, нима қилишни билмай, ҳатто ўз жонига қасд қилмоқчи эканлигини баён қилган эди.

Яқинда ушбу шикоят юзасидан туман прокуратурасидан жавоб келди.

Туман прокуратураси томонидан фуқаро Ж.Суёнованинг «Қонун ҳимоясида» бирлашган тахририятга ёзган аризасига асосан текшириш ўтказилди.

Аниқланишича, ҳақиқатан фуқаро Ж.Суёнова қўшниса А.Холиқовдан 60000 сўм қарз олган.

Фуқаро А.Холиқов Ж.Суёнова олган 60000 сўм қарзини тулик қайтарганлигини ва бугунги кунда ҳеч қимга даъвоси йўқлигини билдириш. Шунингдек, Ж.Суёнова ўз тушунтиришида қарзини тулаганлигини, хатда узини ёмон ҳис қилиб, жонимга қасд қиламан деб ёзганлигини, ҳозир бундан пушаймонлигини баён қилди.

Бундан ташқари, «Жарқўртон» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Қирон» маҳалласи томонидан уларнинг оиласи кам таъминланган оила бўлганлиги учун Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-қарори асосида уч ойга 4100 сўмдан, жами 123000 сўм, «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 437-қарори бўйича 16 ёшга етмаган 4 та фарзанди учун «Қирон» маҳалласининг 2001 йил 25 январдаги 1-қарорига асосан 1 мартдан 31 августгача ойига 4287 сўмдан, жами 257225 сўм нафақа тайинланганлиги ва бу пулларни Ж.Суёнова ўз вақтида олиб келаётганлиги маълум бўлди.

Д.АБДУРАХМОНОВ,

Жарқўртон туман прокурори

Прокурор қабулида



Яқинда Тошкент шаҳар прокуратураси ташаббуси билан «Тадбиркорлар фаолиятига аралашин, гайриқонуний текширишларнинг олдини олиш, уларнинг хуқуқ ва қонун билан кўриқланидиган манфаатлари ҳимоясини амалда таъминлаш» мавзусида семинар бўлиб ўтганди. Шундан сўнг прокуратура идораларига ёрдам кўриб кетувчи тадбиркорлар кўпайди.

Суратда: Шайхонтохур тумани прокурори ўринбосари Ҳ. Турдубоев, тадбиркор Ф. Муҳаммедовага тадбиркорликка оид янги қонунлар ҳақида тушунтириш бераляпти.

ТОМОРҚА БЕРИЛДИ-Ю, ВАЖЛАР ТАСДИҚЛАНАДИ

«Ҳурматли тахририят!

1990 йил сентябрь ойида Музработ туманидаги Халқобод кўрғонига кўчиб келиб, мактабга ўқитувчи бўлиб ишга кирдим. 2 хонали квартира сотиб олиб, ишимни давом эттирдим. Ноябрь ойида томорқка олиш учун фуқаролар йиғинига ариза ёздим...

Бу кўчирмани сурхондарёлик Қудратилла Пиримовнинг тахририятимизга ёзган шикоятидан келтирдик. Хатнинг давомида Қ.Пиримов маҳаллий раҳбарларнинг ваъдабозлиги туфайли ўн йилдан бери томорқка ололмаётгани ҳақида ёзди.

Яқинда туман прокуратурасидан олинган жавобда ниҳоят аризачининг талаби қондирилганлиги ҳақида хабар қилинади.

Фуқаро Қ.Пиримовнинг аризаси текширилди.

Аниқланишича, Пиримовлар «Халқобод» қишлоқ фуқаролар йиғинида томорқка олиш учун муқтож оила сифатида рўйхатга олинган. Шунча қўра 2000 йил 4 декабрь кuni йиғин қарорига асосан «Чорвадор» қишлоғидаги қаровсиз қолган 18 та томорқка майдони фуқароларга бўлиб берилган. Шулар қатори аризачига ҳам 0,15 га ер майдони ажратилган, алмо ер унинг талабига жавоб берамаслигини билдириб, бошқа жойдан томорқка беришни талаб қилган.

Текшириш жараёнида «Халқобод» қишлоқ фуқаролар йиғини томорқка бериш комиссияси аъзолари бу ҳолатни тасдиқладилар. Шу туфайли Қ.Пиримовга 2001 йил 7 апрель кuni «Чорвадор» қишлоғидан унинг талабини қондирадиган бошқа ер майдони берилган.

Аризачининг «Халқобод» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қ.Муъинов томонидан ўзи танишлари ва ога-иниларига ноқонуний томорқка берилганлиги ҳақидаги аризаси тасдиқланмади.

А.НАЗАРОВ,

Музработ тумани прокурори

МУСОБАҚА

АНЪАНАВИЙ
ЭСТАФЕТА

Фарзандини соғлом, баркамол инсон қилиб тарбиялаш ота-онанинг қарзи. Ёш авлодни келажаkning муносиб вориси қилиб тарбиялаш эса жамиятнинг бурчи. Шубҳасиз, фарзандларнинг соғломлигини таъминлашда спорт тадбирларининг ахамияти катта.

«Хотира ва қадрлаш куни»да Хоразм вилоят прокуратураси ташаббуси билан бўлиб ўтган мактаб ўқувчиларининг югуриш эстафетаси барча Урганч ёшларида катта таассурот қолдирган эди. Яқинда болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни муносабати билан навбатдаги югуриш мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Хоразм вилоятининг барча туманларидан ташриф буюрган 500 нафардан ортиқ мактаб ўқувчилари иштирок этди.

— Спорт ҳалоллик мезони. Сизнинг бугунги иштирокингиз натижалар қандай бўлишидан қатъи назар вужудингизга соғлом руҳ бағишлайди. Бизнинг мақсадимиз ҳам шу: қалбингизда эзгу туйғуларни тарбиялаш, улғайтиришдир, — деди вилоят прокурори Д.Исроилов мусобақанинг очилиш маросимидан сўзлаган нутқидан.

Эстафета 6000 метр масофадан 15 босқичда давом этди. Хивалик усталар томонидан ясалган махсус эстафета кўча кубогии бу гал Урганч шаҳридаги 3-ўрта мактаб жамоасига nasib этди. Фолиблар ҳимойларнинг қимматбахо совғалари билан тақдирланди. Мухими бу эмас. Энг муҳими болалар қалбидан спортга иштиёқ пайдо қилишдир. Мусобақани ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам шу.

P.СОЛМОВ



Ш.АБДУЛЛИНОВ,
Хонқа туман прокурори,
адлия маслаҳатчиси

ХОНҚА шаҳарчаси фуқаролар йиғини биносидан жамоатчилик иштирокида очик суд мажлиси бўлиб ўтди. Унда оилавий можарони тинч йўл билан ҳал қилиш ниятида келган қайнота ва қайнонасига, қайнукасига, тиг кўтарган Уктамбой Ёкубовнинг жинсий хатти-ҳаракатлари баҳо берилди. Бандасини йўлдан оздирмасин экан. Саккиз болани воёга етказган ота-она кенжаси Уктамбойни вақти келиб қотилликка қўл уради деб сира ўйламаган эди. Кенжа ўғил кенжа ўғил-да. Уни барча фарзандларидан ҳам кўпроқ суюшгандир балки... Ҳамма нарсада меъёр бўлгани яхши. Балки ўша ортиқча меҳр, ортиқча эътибор уни талтайтириб юборгандир.

Уктамбой бинойидек йигит эди. Уйланди, бола-чақали бўлди. Аммо фарзандлик масъулияти ҳам, оталик масъулияти ҳам ундан бегона эди. Бу ҳам етмагандай нашага ружу қўйди. Фожиа шундан бошланди. Банги одам бир ишнинг бошини тутта олармиди? Рўзгоридан барака кўтарилди. Пул топиш учун нималар қилмади, дейсиз. Албатта, пулни рўзгори-ю бола-чақаси учун эмас, наша деган захри қотил сотиб олиш учун топишга тиришарди. Уйда ҳам наша ўстирар, уларни боласидан ҳам кўпроқ авайлаб парваришлар эди. Уйда ўзига ўхшаган бангиларни йиғиб «уф-фатчилик» қилар, қарзга ботар, қарздан қутулиш учун уйдаги пулга чаққулик нарса борки, сотар эди. Хатто бир гал қарзини узиш учун отамерос уйининг пол

тахталарини ҳам сотди.

Ўзини тирикчиликнинг ҳар кўчасига уриб кўраётган Уктамбой поезд вагонларида майда-чуйда сотиб пул топишни маъқул топди шеклли, «тижорат»га киришиб кетди. Иши юришмай қолган пайтлари эса шўрлик бола-чақаси-ю, хотини Муҳаббатга қийин бўларди. У аламини шулардан оларди. Бир гал содир қилган ҳуқуқбузарлиги учун 5 сутка маъмурий қамокда ўтириб чиққан Уктамбой уйига келиб хотини Муҳаббатни қийинчи изгирин совуғида уйдан чиқариб юборди.

Шўрлик Муҳаббат. Касал бўлиб, икки марта операция бўлганида Уктамбой эр бўла туриб, бир марта унинг ҳолидан хабар олмади.

Ота-онасининг раъйига қарши боролмаган Муҳаббат Уктам билан турмуш қурган дастлабки кезларда

роқ сабаб топа олмадик.

Одатдаги оилавий жанжал туфайли ота-онаси ва туғишганларидан нажот истаган Муҳаббат «тез етиб келинлар» деб кўнгирак қилди. Агар ота-онаси ва укасининг бу келиши сўнгисини эканлигини билганида уларни чақирмаган ва эрининг калтакларига чидаб ўтираверган бўлармиди?

Кўёвига муросаи-мадора ҳақида насихатни бошлаган, не бўлса ҳам қизининг тинч яшаб кетиши тарафдор бўлган Р.Рўзиев ва Г.Қаландаровлар ичкари уйдан қўлиб пичоқ билан чиққан Уктамбойни кўриб довдираб қолишди. Уни инсофга чақиршига улгурмай иккаласи ҳам пичоқ зарбидан йиқилди. Шундан кейин Уктам воқеага гувоҳ бўлган қайнукаси С.Рўзиевага ташланиб, унинг ҳам ёш ум-

га кириб кетишига имкон беришди, нега оиласидagi носоғлом муҳитга томошабин бўлишди? «Уктамбойларга ўхшаганларга худо бас келисин», дейиш билан кифояланиш осон.

Туғишганлар бефарқ экан, қўниқўшиллар, маҳалла аҳли нега лоқайд? «Узоқдаги қариндошдан, яқиндаги қўшни яхши» дейди доно халқимиз. Бунинг амали қани?

Гувоҳликка келган қўшиллар «Уктамбой саломини қанда қилмасди», «ювошгина йигит эди», дейишди. Одамнинг ишонгиси келадди.

Судда гувоҳлик берган ён қўшилларидан бирининг гапига қойил қолмай илож йўқ. «Қўшилликда (Уктамбойнинг хонадони назарда тутилаяпти) алланималар бўлаётганини эшитдим. Бироз мазам қочди. Болаларни ҳам ташқари чиқармадим». Нега бунчалар лоқайдсиз, одамлар? Маҳалла оқсоқоли Ў.Ёкубов ўзининг қариндоши эканлигини, аммо унинг уйдаги, ҳаётидаги машамшалардан беҳабарлигини айтиб, ўзини «оқлайди». Бунга энди нима дейиш мумкин?

Шу ўринда синглимиз Муҳаббатга ҳам икки оғиз гапимиз бор. Муҳаббат, сиз ҳақиқатан бардошли аёл экансиз, бардошли бўлинг. Биласиз, жабрланган, зулм қўрган аёл ёлғиз сиз эмассиз. Дунёда оилани муқаддас билиб, ношуд эрининг барча азобларига чидаб, худодан инсоф сўраб, фарзандларим деб, атрофдагиларнинг лоқайдлиги жабрини тортаётган Муҳаббатлар қанча...

Сизга яратганининг ўзи тўзим берсин.

Кишига яна бир нарса алам қилади. Суддан олдин ҳам, кейин ҳам, жараёнда ҳам ҳеч қим ўн уч ёшли қизча Гузал Ёкубова (Ў.Ёкубовнинг жияни) нинг фожеали ўлими ҳақида оғиз очмади. Гўё бу «иш»га унинг алоқаси йўқдай. Аслида қотиллик, разолатнинг нима эканлигини ўз кўзи билан кўрган, гувоҳи бўлган Гузалнинг умрига руҳий изтироблар зомин бўлди. Яшашга кучи етмади. Ёшлиқ қилиб ўзи жонига қасд қилди. Унинг ҳам уволи бўйнимизда, лоқайд одамлар! Кўнгилга одил суднинг ҳукми — Ў.Ёкубова берилган олий жазо таскин берамизки!

ҚОТИЛГА ОЛИЙ ЖАЗО

нолимаса бўларди. Яхши яшаши. Аммо тубанлашиб бораётган эрини асраб қололмади. Гиёҳвандлик чангалига тушган Уктам инсонийлик қўфасини йўқота бошлади.

Эрининг аҳоли бу, энди Муҳаббатнинг ўзи оиласи учун елиб-югурадиган бўлди. Топганини минг жойдан тугиб, рўзгори, болаларнинг эгни-бошини бут қилишга уринди.

Банги Уктамбой эса уйдаги қўлга илинган нарсаини сотиш, фақат сотиш қайғусида эди. Отасидан қолган дурадорлик анжомларини сотиб юборди, етмаганига хотини не азобда пул йиғиб олган телевизорни сотди. Бу инсоннинг тубанлашу-вини кўрсатишга шу айтилганларнинг ўзи ҳам етарли бўлса керак. Яна санайверсак давом этаверадим.

Уктамбой содир этган муҳдих қотиллик ҳақида гапиришдан олдин унинг сабабларига ҳам тўхталмоқчи эдик. Аммо унинг ўзини-юзи одора қила олмаслигидан бошқа жиддий-

рига зомин бўлади.

Хуллас, икки инсон умрига (Г.Қаландаровнинг ҳаёти шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари билан сақлаб қолинди) зомин бўлган, гиёҳвандликка муқасидан кетган Уктамбой Ёкубов Хоразм вилоят судининг ҳукми билан олий жазога ҳукм қилинди.

Суддан кейинги ўйлар...

Ў.Ёкубов терговда хибсга олинган, орадан уч ойга яқин вақт ўтибди ҳамки, биров уни йўқлаб бермаган. Майли, у қотил бўлсин, жоҳил бўлсин, банги бўлсин, барибир инсон эди-ку. Унинг ҳам туғишганлари, қариндош-уруғлари кўп эди-ку! Юқорида бекорга унинг оилада саккизинчи фарзандлигига урғу бермаган эдик. Ахир судда нўрсатма беришга яраган акалар ҳега унинг тақдирига бефарқ бўлишди? Нега унинг ёмон йўллар-

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

БОЛТА КЎТАРГАН ИЖАРАЧИЛАР

Дунё қизиқ экан, кимдир қуради, кимдир бузади. Бир туп ниҳол ерга умид билан қадалгач, воёга етиб ҳосил бергунича қанча йиллар керак бўлади. Ҳосилга киргунга қадар богбоннинг ниҳол учун қанча меҳри ва меҳнати сингмайди, дейсиз. Аммо ҳосил бериб, гўлдай яшнаб турган тоқзорни пайҳон қилаётган одамни кўриб қолсангиз нима дердингиз? Аввало яшнаб турган дарахтга болта ураётган одамни кўриб, тилингиз қалимага келмай қолиши аниқ.

Ақлини таниганидан буён дехқончилик билан тирикчилик қилиб юрган Абдували Мусаев яхши ният билан 2 гектар тоқзор олди. Унинг юрагига шайтон вос-вос солдим, ким билди дейсиз. Бир куни эрта тонгда тоқзорга болта кўтариб кирди ва ижарадаги 2 гектар узумзорни чопиб ташлади. Сўнг богнинг ўрнига картошка, ловия, галла экти. Бозорда пиёз нар-

хининг бандан бўлишини билган шекилли, 0,06 гектар ерга пиёз уругини экишга ҳам улгурди.

Кейинги пайтларда туманда ўзи хон, қўланкаси майдон ижарачилар пайдо бўлмоқда. Улар ажратилган ер майдонларига туман ҳокимлиги тасдиқлаган экинлар ўрнига бозорбоп экинларни экишга ружу қўймоқда. Масалан, «Олтин

бошок» ширкат хўжалигидаги 8 гектар майдонга пиёз экиш режалаштирилган эди. Текширишда 18,5 гектар майдонга пиёз экилгани аниқланди. Қизиқ, хўжалик учун картошка, қарам, помидор «ўгай» эканми? Ёки бу хўжаликдаги рақат пиёз истеъмол қиладиларми?

Бу йил қишда бозорларимизда пиёзнинг баҳоси картошка ва сабзига нисбатан 3-4 баробар қиммат бўлди. «Келгуси йилда ҳам бозорда пиёз қиммат баҳода сотилади», деган ўйда юрган хўжалик раҳбарлари бошқа экинларнинг ўрнига ҳам пиёз экишмоқда. Ҳеч қим дехқоннинг яхши даромад қилиб, бойиб яшашига қарши эмас.

Бирок ҳамма ер майдонлари-

га пиёз экилса, бундан бир неча йил олдингидек бу маҳсулотнинг бозори касод бўлмайди-ми? Нега буни айрим дехқонларимиз тушунишмайди?

Туманимизнинг «Янги ҳаёт» хўжалигида ҳам юқоридагидек манзарага дуч келдик. Бу хўжаликда 23,66 гектар ерга ортиқча пиёз экилган. Тумандаги қайси бир хўжаликнинг фаолиятини ўрганмайлик, сувли ер майдонларига пиёз ва бозорбоп экинлар экилганини кўрдик.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 14 нафар фермер хўжаликлари раҳбарлари ердан фойдаланиш ва экинларни жойлаштириш режасини бузган. Энг ачинарлиси, айрим фермер хўжалиги раҳбарлари ширкат

хўжалигига қарашли ерларни рухсатсиз ўзлаштириб олишмоқда. Мисол учун туманимиздаги «Ташаббускор» фермер хўжалиги раҳбари «Янгиҳаёт» ширкат хўжалигидан 1,4 гектар ерни ўзбошимчилик билан ўзлаштириб бозорбоп экин эккан.

Албатта уларнинг фаолиятини хўжаликлар раҳбарлари беҳабар, десак ёлғон гапирган бўлаемиз. Ўзингиз ўйланг, 2 гектар тоқзорни йўқ қилиб, ўрнига пиёз эккан дехқоннинг қилмишидан наҳотки хўжалик раҳбари беҳабар қолган бўлса?

Айбдорлар ўз қилмиши учун жазосини олар, аммо жамиятдаги лоқайдликни қандай даволаш мумкин?! Қачонгача томошабин бўлаемиз?!

Наҳалбой НОРБОВЕВ,
Галлаорол туман прокурори
ёрдамчиси

ЁЗ — ДАМ ОЛИШ МАВСУМИ



«ОҚТОШ»

СИЗНИ КУТМОҚДА

Юртимизда инсонни дарддан фориғ қиладиган дам олиш масканлари кўп. Ана шундай санаториялардан бири Тошкент вилоятининг Ғазалкент туманидаги «Оқтош» дам олиш масканидир. Яқинда мухбиримиз ушбу дам олиш масканида бўлиб, бош шифокор Урмонбой Тўлаганов билан санаториянинг ёзги мавсумга тайёргарлиги ҳақида суҳбатлашиб қайтди.

— Санаториямизнинг узок йиллик тарихи бор. XX асрнинг бошларида Москвадан келган рус зодагонларидан бирининг невараси оғир бетоб бўлиб қолади. Кўпгина шифокорларнинг муолажаларидан наф кўрмаган, бир тоғлик табиб «тоғ ҳавосидан нафас олса, неварангиз соғаяди» дебди. Уша рус зодагони неварасини олиб аравада Тошкентдан тоққа қараб йўлга чиқибди. Ҳозирда «Оқтош» санаторияси жойлашган ҳудудларга яқин келганда зодагоннинг бетоб невараси кўзини очибди. Ана шундан сўнг уша зодагон дунёнинг турли ўрмонларидан энг ноёб дарактларни олиб келиб шунга ўтказган экан. Ҳозир ҳам ана шу дарактлар сихатҳўшимизда бор. Санаториямиз иклимининг шифобахшлиги

бўйича дунёнинг энг нуфузли дам олиш масканлари билан бемалол рақобатлаша олади.

— «Оқтош» санаториясининг бошқа дам олиш масканларидан фарқи нимада?

— Санаториямиз денгиз сатҳидан 1140 метр баландликда жойлашган. Ҳамма томонлари тоғлар билан ўралган санаториямиз ҳудудидан Оқтош ва Айқсой тоғ дарёлари оқиб ўтади. Бу дарёларнинг тиниқ ва мусаффо суви ёз жазирасида ҳам ҳавони муътадил ушлаб туради.

Масканимизнинг бошқа сихатҳўхлардан фарқи бу ерда дам олувчилар кўпроқ табиат кўйида бўладилар. Маълумки, тоғ ҳавоси килородга бой бўлади. Шунинг учун эрта тонгда пиеда айланишга ало-

ҳида эътибор қаратилади.

Масканимизда ўзимизда ўсадиган дарактлардан ташқари хориждан келтирилган турли дарактлар ҳам ўстирилади. Улар килородни кўп ишлаб чиқиши билан асаб ва юрак касалликларининг дори-дармонсиз даволанишига катта ёрдам беради.

Бундан ташқари ўқалаш, сауна, даволаш физкультураси каби бошқа муолажалар билан даволаш ҳам йўлга қўйилган.

— Урмон ака, «Оқтош»

да дам олмакчи бўлган ҳамюртларимиз ушбу сихатҳўжа йўлланма олишлари учун қаерга мурожаат этишлари керак?

— Бизнинг санатория Республика касаба уюшмалари федерациясига қарашли бўлиб, асосий йўлланмалар федерация орқали жойлардаги касаба уюшмаларининг бўлимлари томонидан тарқатилади.

Ёз мавсумида дам олувчилар учун барча шароитлар яратилган. Уларнинг вақти мазмунли ўтиши учун маънавият-маърифат хонаси ва кутубхона доимо хизматда бўлади. Хар куни кечқурун концертлар уюштирилади. Бизга дам олишга келган юртдошларимиз бу масканга яна келишига имонини қомил. Халқимизда минг эшитгандан бир кўрган яхши, деган гап бор. Яхши-си, бизнинг «Оқтош» санаториямизга келинг. Табиат бағрида фарзандларингиз билан маъза қилиб дам олинг.

З. МАМАДАЛИЕВ суҳбатлашди

ФАРЗАНДЛАР СОҒЛИҒИ — ДУНЁНИНГ БОЙЛИГИ

Яқинда Вазирлар Маҳкамасида Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика комиссиясининг ана шу масалаларга бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2001 йил ёзги дам олиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикасидан 15 минг ва Хоразм вилоятидан 5 минг нафар боланинг Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги ёз сўйим ва ҳушманзара оромгоҳларда бепул дам олиш шакли этиш масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Хўш, болажонларнинг мазмунли дам олишлари учун оромгоҳлар тайёрми? Уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, оромгоҳларнинг санитария-гигиена ҳолати қандай? Яқинда мухбирларимиз Тошкент вилоятдаги бир неча оромгоҳларда бўлиб ана шу саволларга жавоб излади.

Пойтахтдан Ғазалкент томонга 60-70 километр юргач табиатнинг сўйим манзараси қалбингизга баҳорий кайфият бағишлайди. Шарқираб оқаётган Чирчик дарёси, осмонлар тоғлар, аср билан бўйлашган сарвқомаат чинорлар сизни ўзига маҳлиё қилади. Гузал табиат кўйида жойлашган «Оқтош» болалар оромгоҳига етиб борганимизда у ерда сўйинг таъмирлаш ишлари амалга оширилаётган экан.



— Оромгоҳимиз В.Чкалов номли Тошкент давлат Авиация акционерлик жамиятига қарашли, — деди биз билан суҳбатда болалар оромгоҳи бошлиғи Абдуқодир Бишвези. — Оромгоҳимиз 400 нафар боланинг мириқиб дам олиши учун мўлжалланган. Ҳадемай санокли қунардан сўнг бу ерда болаларнинг шодон кулгиси янграйди. Оромгоҳ учун ажратилган 400 та йўлланма аллақачон ўз эгаларининг қўлида. Йўлланманинг 50 фоизи ишчиларнинг болалари учун имтиёзли нарҳда сотилади. Йўлланманинг

ЁЗГИ ТАЪТИЛ — ЙИЛГА ТАТИР

Мактабларда ўқув йили тугаб, ёзги таътил бошланди. Болалар энди оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқаришади. Лекин уларнинг ҳаммасини ёзги дам олиш масканларига жалб қилишнинг имкони йўқ. Шу бола вояга етмаган ёшларнинг аксарияти уч ой ўзлари туғилиб ўсган қишлоғида, ота-оналарининг бағрида бўлишади. Хўш, ёзги таътил давомида улар нима билан шуғулланишади? Бўш вақтларини қандай ўтказишади?

Республика «Маҳалла» жамғармасининг Наманган вилоят бўлими, вилоят прокуратураси, вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари комиссияси ёшларнинг ёзги дам олиш вақтларини мазмунли ўтказиш ташаббуси билан чиқибди. Болаларнинг лаёқати, қизиқишига қараб маҳаллалар ҳудудида фаолият кўрсатётган хусусий тадбиркорлар — қосиб, хунармандлар, новвойлар ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларига 2-3 нафардан бириктирилиб қўйилди. Бу борада Уйчи туманида ҳозирнинг ўзидаёқ ибратли ишлар бошлаб юборилди.

— Маҳалламизда 20 дан ортиқ яқна тартибда фаолият кўрсатувчи хунарманд-тадбиркорлар, хусусий корхоналар, умумий оқватланиш шаҳобчалари мавжуд, — дейди «Иттифок» маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Дадахонов. — Биз уларнинг ҳаммасини йиғиб, маҳалламиз ёшларини оталиққа, яъни шогирдликка олишларини ва ўзларининг касб-хунарларини ўргатишларини тақлиф қилдик. Улар тақлифимизни бағшонидил қабул қилишди. Бу ишимиз ота-оналарга ҳам маъжул тушиб, улар бизга яқиндан ёрдам беришди.

Хуллас, ўсмирларнинг бўш вақтларини беҳуда ўтказмаслик, уларни тарбиялаш, касб-хунарга йўналтириш борасида бошланган бу ташаббус вилоятда кенг кулоч ёйди. Жумладан, Уйчи туманидаги Алишер Навоий номидаги маҳаллада ишовчи М. Болтабоева ўз хонадонида 20 нафарга яқин ёшларга зардушлик касбини ўргатмоқда. Моҳир тикувчи Р. Халилова эса ўз касбини эгаллашга иштиёқманд бўлган кўплай кишлоқ ёшлари-

ни ўз хондонидида кучоқ очиб қутиб олмоқда.

— Шогирдларим кўп, — дейди Роҳилахон ая, — Маҳалламиздан, қўшни қишлоқлардан келётган 30 нафардан зиёд қизларга тикувчиликнинг сир-асрорларини ўргатаймиз. Қизларни турмушга тайёрлаш, камолини кўриш ҳар бир ота-онанинг орузси. Бу орузли удумнинг аъмолига ўз хиссасини қўшаётганимдан, маҳалламга нафим тегаётганидан мамнунман.

Ҳа, халқимиз — болажон халқ. Айниқса, оналар фарзандлар бахти, камоли йўлида жонини беришга ҳам тайёр. Ҳозирги шароитда ўзининг бир этак фарзандларидан ортиб, ўнлаб болаларни бағрига олиб, беминнат ёрдам бераётган оилалар шулар жумласидандир. Бундай оилалар вилоятда кўп. Бу хонадонларда хунар ўрганаётган болаларни, хонадон соҳибларининг меҳр-оқибатларини кўрган олда ўзбекининг бағрикенглигига яна бир бор иймон келтиради.

Вилоятда бу борада олиб борилаётган хайрли ишларни кўриб «бу ташаббус мавсумий бўлиб қолмасмикин», деган фикр хаёлимдан ўтди. Негаки, мазкур ташаббуснинг мутасаддилари асосан тавсиялар бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш, яъни ташкилий ва маънавий жиҳатдангина ёрдам беришлари мумкин ҳолос. Зеро, ҳар қандай ташаббус нафақат маънавий, балки моддий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватланиши лозим. Шундагина қўзланган натижага эришиш мумкин. Шу нуқтага назардан қараганда, ўз хонадонларидида вояга етмаган ёшларга касб-хунар ўргатаётган оилалар маҳаллий ҳокимликлар ва ҳукумат томонидан моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ана шунда вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтларини нафақат ёзги таътил пайтида, балки йил давомида мазмунли ташкил этиш имкони туғилар эди.

Абдуқошим МАДАТОВ, «Хуқуқ» мухбири

қолган қисми тижорат нарҳида 35 минг сўмдан сотилди.

— 35 минг сўм ота-оналар учун «оғир»лик қилмасмикин? — сўраймиз оромгоҳ бошлиғидан.

— Минг шўқрлар бўлсинки, бозор иқтисодиётига қўниқиб кетган оилаларимиз ҳам кўп. Фарзандларининг соғлиғини ўйлаган инсонлар пулни аяшмайди. Кейинги смена учун ҳам талабгорлар кўп.

Биз Абдуқодир ака билан оромгоҳни айланиб кўнглимиз тўлди. Болаларнинг мириқиб чўмилиши учун ховузлар тўлиқ таъмирдан чиқарилган. Ёзги клуб, маънавият хонаси, ошхона, спорт майдончалари аъло даражада. Кўриб кўнглинг яйрайди.

Тошкент шаҳар телефон тармоғи акционерлик жамиятига қарашли «Алоқачи» болаларни соғломлаштириш оромгоҳида бироз бошқача манзарага дуч келдик.

Болалар майдончалари, кутубхона ва дам олиш хоналари таъмирдан чиқарилган. Лекин кўрган кишининг кўнгли тўймайди. Таъмирлаш ишлари ҳам номига қилинган. Бугун-эрта дам олувчи болаларнинг келиши қутилаётган бўлса-да қўпгина қараовтлар тўлиқ бўёқдан чиқарилмаган. Ҳовли четида уюлиб ётибди.

— Оромгоҳимиз бошлиғи Тошкентга кетган, — деди хўжалик ишлари бўйича муовини Олимжон Ўсаров. — Оромгоҳда бир сменада 320 нафар бола дам олиши мўлжалланган. Имкон даражасида ёзга тайёргарлик кўрапмиз. Баъзи муаммоларни 2-3 кунда ҳал қиламиз.

Олим Ўсаровнинг бу сўзлари бизни ўйлантириб қўйди. Йил бўйи қилинмаган ишни 2-3 кунда қандай удаллаш мумкин? Ёки улар алдагани бола яхши қабилида иш тутишмоқчимиз?

Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида оромгоҳлар фақат соғломлаштириш ва дам олиш масканларигина бўлиб қолмай, балки таълим-тарбиянинг муҳим ўчоғи вазифасини ҳам ўташи кераклиги алоҳида таъкидланди. Оромгоҳларда дам олувчилар учун бадий хаваскорлик, театр жамоалари, концерт дасталари томонидан бепул хизмат кўрсатиш, санъат арбоблари ва машҳур спортчилар билан ўчрашувлар уюштириш, бошқа турли тадбирларни ташкил этиш болаларнинг мазмунли дам олишида муҳим ўрин тутди.

Ҳа, ёз фасли энди бошланаяпти. Дам олиш масканлари бугун-эрта болаларнинг шодон кулгуси билан тўлади. Бу мавсум болаларнинг дам олиш масканлари раҳбарларини яна бир бор синовдан ўтказди. Ҳақиқий баҳони эса дам олувчи жажжи фарзандларимизнинг ўзлари беришади. **М. ЗАЙНИДДИНОВ, «Хуқуқ» мухбири**

ХУҚУҚИЙ

Масалалар ва Ҷавоблар

САВОЛЛАР ҶАВОБЛАР

НАФАҚА ОЛИШГА ҲАҚЛИМАНМИ?

Мен 1938 йилдан бошлаб тракторчилик касбда ишлаб келдим. 1956 йили автофалокатга учраб бир оғимдан ажралдим. Лекин оғим протез бўлишига қарамай касбимни давом эттиривердим.

Мен бир оғимдан ажралиб бўлса ҳам меҳнат қилиб келганимга қарамадан, 1988 йили қариллик пенсиясига чиқариб юборишди. Ижтимоий таъминот бўлишига бормас, ҳали ундай, ҳали бундай ҳужжат олиб келинг, деб талаб қилишяпти. Олиб келган ҳужжатларимни эса мен ишлаган жамоа ҳўжалигининг ўзидан берилгани учун тап олишяпти. Ахир мен ишлаган жамоа ҳўжаликлари йўқ бўлиб кетган бўлса ҳўжатнинг ҳақиқийлиги қасрдан олишим мумкин? Агар бундай ҳўжатлар бўлмаса гувоҳлар кўрсатмаси ўтмайдами?

Мен ногиронлик ва меҳнат нафақасини олишга ҳақлиманми?

Раҳмат Нигматов.
Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри.

БИТТАСИНИ ТАНЛАШ КЕРАК

"Давлат пенсия таъминоти тўғрисида" ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистонда ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсияларини мавжуд.

Пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган пайтдан бошлаб, фуқаро исталган вақтда пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этиши мумкин. Агар фуқаро юқорида айтиб ўтилган пенсияларнинг биттадан ортинини олиш ҳуқуқига эга бўлса, у фақат биттасини танлаши керак. Бир вақтнинг ўзида пенсиянинг биттадан ортиқ турини олиш мумкин эмас.

Пенсия олиш ҳуқуқи тегишли ҳужжатлар асосида тасдиқланиши лозим. Агар бундай ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, (пенсияга чиқиш истганини билдирган шахс ишлаган ташкилот, корхона, муассаса тугатилган, ҳужжат табиий офат туфайли йўқотилган), архив маълумотлари асосида тасдиқланиши мумкин. Бунинг ҳам иложи бўлганда тақдирда, иш стажы ижтимоий таъминот органлари томонидан икки ва ундан ортиқ гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида аниқланиши мумкин. Бунда гувоҳлар кўргазмаси ёзма равишда ҳужжатлаштирилади.

Гувоҳларнинг камида биттаси далил ва ҳужжатлар асосида мурожаат этувчи билан муайян бир жойда маълум бир давр мобайнида ишлаганлигини тасдиқлаши керак.

Уларнинг кўрсатмасини инобатта олмаслик ва ҳужжатлаштиришни рад этиш устидан юқори турувчи ижтимоий таъминот органига ёки судга шикоят қилиш мумкин.

Ногиронлик пенсияси эса тиббий меҳнат экспертиза комиссияси томонидан белгиланган ногиронлик гуруҳига қараб тўланади.

ТОИФАМ ҲИСОБГА ОЛИНМАЙДИМИ?

Дастлаб мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдим. Мактаб аттестация комиссияси хулосасига биноан II-тоифали ўқитувчи мутахассислигига эга бўлдим.

Ҳозирги вақтда ббҗада тарбиячи бўлиб ишламоқдаман. Лекин, боғчада ишлаганимдан буён ойлик маошимиз II-тоифа бўйича тўланмапти.

Учкундуқ ХТБ бухгалтерияси мактабда олинган тоифа, боғча учун ҳисобга олинмайди деб, тоифа учун ҳақ тўланмапти. Шу тўғрими? Агар II-тоифа бўйича ҳақ тўланмаган бўлса, олдин тўланмаган ойлари учун ҳаққимизни ундириб олишга ҳаққимизми?

Рабиға Евопова
Учкундуқ шаҳри

ТАЛАБ ТЎҒРИ ҚЎЙИЛГАН

Туман халқ таълими бўлими бухгалтериясининг қўйган талаби тўғри. Ҳақиқатан ҳам ўқитувчи ва боғча тарбиячисининг тоифалари бир-биридан фарқланади.

Иккинчи саволнинг бўйича, агар белгиланган тоифа бўйича ишлаган даврда ҳақ тўланмаган бўлса, сиз уни тўлашини сўраб мурожаат этишга ҳаққисиз. Бу бўйича низо келиб чиқса, уни суд орқали ҳал этиш лозим.

Жавобларни Д.ХАЛИЛОВ тайёрлади

КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНАМИЗ

ТИНЧЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб ўз Конституциясини қабул қилди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган ўшбу Конституция олдингилардан тубдан фарқ қилишини, ривожланган мамлакатлар амалиётига таянган ҳолда ишлаб чиқилганини давр кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Конституцияси халққимизнинг эркин ва адолатли, инсонпарвар демократик давлат барпо этиш тўғрисидаги азалий орзусини ифодалайди. Унда давлатнинг қиёфаси, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тизимининг демократик табиати, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада ҳимояланганлиги яққол намоён этилган. Президентимиз Ислам Каримов Асосий қонунимиз мазмун-моҳияти ҳақида гапира туриб, "Бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, гоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамийи дунёвий неъматлар орасида энг улғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда "фуқаро — жамият — давлат" ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик", деган эди.

Агар Конституциянинг XI бўлига эътибор қаратадиган бўлсак, унда фуқароларнинг бурчлари нимадан иборатлиги кўрсатилган. Жумладан, ўшбу бобда фуқаролар Конституцияга ва қонунларга риоя қилиши, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шайни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишига

мажбурдирлар дейилган. Бу сўзларда жуда катта маъно бўлиб, ҳар бир фуқаро биринчи навбатда қонунни ҳурмат қилиб, унга итоат этиши, шунингдек бошқа фуқароларнинг кадр-қимматини ҳам ҳурмат қилиш мажбурияти кўзда тутилади.

Бош Қомусимизда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишдек масъулиятли бурчини адо этиш мажбурияти ҳам кўрсатиб ўтилган. Қуролли қучларимиз ташкил қилинганлигига қўп вақт бўлмасдан, улар Ватанимиз сарҳадларини, аҳолининг тинч ва осойишта турмушини ҳар қандай тажовулардан ҳимоя қилиш учун етарли қудратга эга эканлигини яна бир бор исботладилар. Ўтган йил Сурхондарё ва Тошкент вилоятида юз берган воқеаларда ҳарбий хизматчиларимиз кўрсатган қаҳрамонликлар бунинг яққол далилидир.

Президентимиз Ислам Каримов ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўлагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарига "...давлат мудофаа қобилиятининг энг муҳим қисми унинг Қуролли Қучларидир. Бизнинг қуролли қучларимиз ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга тайёр туриши, мамлакатнинг жуғрофий-стратегик маъқеани ва худудининг жуғрофий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимол тутилган босқинчиға қуруқликда ва ҳавода муносиб зарба бера олиш учун жангвор салоҳиятга эга бўлмоғи зарур", деган фикрларини олға сурган эди. Зеро, давлатимизнинг мудофаа қудрати ва хавфсизлигининг ҳуқуқий асослари Кон-

ституциямиз ҳамда унга мувофиқ қабул қилинган қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш" тўғрисида чиқарган Фармойишни Асосий Қонунимизни ўрганишда айна мудоао бўлди. Унда барча таълим-тарбия муассасаларида Конституцияни ўрганиш курсларини ташкил этиш тегишли вазирликлар ва идораларга юклатилганлиги эътиборга моликдир. Ўшбу Фармойишдан келиб чиққан ҳолда, Республика Ҳарбий-прокуратураси жамоаси ҳарбий қисм ва муассасаларда шахсий таркиб ўртасида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" ишларини янада жонлантирмоқдалар, жойларда қуйи ҳарбий прокуратура томонидан ўшбу йўналишда зарур чора-тадбирлар мунтазам олиб борилапти.

Конституция ҳаётиимизда илк бор қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти идораларининг фаолияти ҳамда вазифаларини аниқлашдан ифода қилиб берди. Ҳаётиимизнинг асосий Қомуси бўлмиш Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда оқсатришда муҳим аҳамиятга эгадир. Шундай экан, юртимизнинг ҳар бир фуқароси Конституцияни ўрганиши ва мукамал билиши лозим.

Б.ХАСАНОВ,
Республика Ҳарбий
прокуратураси бўлим прокурори

ТАҲЛИЛ

Ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда уларнинг таълим-тарбияси, ўқиши, бандлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таълим соҳасидаги ислохотлар, ёшларни иш билан таъминлаш борасида қилинаётган хайрли ишлар барчага маълум. Ёшларимиз бугун замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган, кенг, ёруғ, кўркам билонларда таълим олаётди. Айниқса, ўсмирларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида қилинаётган ишлар вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг камайишига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи нозирлар 1545 тани ташкил этади. Мазкур нозирликларда асосан ИИБларига келтирилган вояга етмаганларнинг ҳисобга олиш билан чекланиб қолинапти. Ўсмирларнинг нотўғри йўлга қилиб қолиши сабаблари, оилавий муҳити билан танишиш ҳамон назардан четда қолаёпти. Айрим ҳолатларда эса вояга етмаганларни ИИБга олиб келишининг қонуний эканлигини текшириб кўриш ёддан кўтарилмоқда. Масалан, ўтган йилда Самарқанд шаҳар ИИБ участка нозирлари томонидан мактаб ўқувчилари

А.Тошев,
И.Викатуров,
Т.Тоҳировлар фақатгина сизга чек-канликлари

учун, Бухоро вилоятида 80 нафардан ортиқ ўсмирлар шу каби арзимас вақтлар билан ноқонуний равишда ИИБга олиб келинган. Энди бу ўсмирларнинг ҳуқуқ посбонларига нисбатан фикри қандай бўлишини бир тасаввур қилинг.

Республика бўйича вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилиши ҳамон давом этмоқда.

Бу ҳолга ўсмирларнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаслиги, ўқиш, турли тўғрақлар, мактабдан ташқари муассасаларда машғулотлар билан банд қилинмаганликлари сабаб бўлмоқда. Қолаверса, педагог ходимларнинг, ота-оналар, маҳалла фуқаролар йиғинлари ёшлар тарбиясига етарли даражада эътибор бермаётганлиги, ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар билан ишловчи нозирлари ҳамда ҳокимият қошидаги вояга етма-

ганлар иши билан шуғулланувчи комиссияларнинг ўз хизмат вазифаларига лоқайд муносабатда бўлаётганликлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Тўғри, бу жаҳдларнинг ишини ривожлантириш, улар ўртасида ҳамкорликни қучайтириш борасида жуда қўп ишлар қилинмоқда. Ҳатто бир оз бўлса-да ижобий натижаларга эришилди. Аммо бизнинг мақсадимиз вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг сонини камайтиришгина бўлиб қолмаслиги керак.

Олдинда ёз фасли турибди. Маълумки ёзги таътил даврида аскарлар вояга етмаганлар бекорчиға айлиб қолишади. Бу эса ҳуқуқ-тартибот ходимларини



Ш.ЭШОНОВ,
Республика прокуратурасининг бўлим прокурори

БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

янада ҳушёрликка ундаши лозим. Ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, учрашувлар, тадбирлар уюштириш чораларини хозирданок кўриб қўйишимиз шарт. Юртбошимизнинг "Ҳоғя қарши ҳоғя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳса қилишиш, олишиш мумкин" деган сўзларида катта маъно бор. Зеро, ёшларимизни Ватан, элу-юртга ҳурмат, буюк келажагимизга ишонч руҳида тарбиялаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Хулоса қилиб шуни айтишни истардимки, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳар бир жиноят ҳеч биримизни тинч қўймаслиги керак. Фарзандларимиз тарбияси билан бугун жиддий шуғулланмасак эртага кеч бўлиши мумкин.

«САНОАТҚУРИЛИШБАНК»

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган изчил сиёсат мамлакатимиз иқтисодиётини кўтаришда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жойларда тадбиркорликни қўллаб қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳасида банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар алоҳида аҳамият касб этади. Бу соҳада мижозлар учун барча қулайликларни яратиб беришга қодир бўлган Ўзсаноатқурилишбанкнинг иш фаолиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзсаноатқурилишбанкни республикаимизнинг барча ҳудудларида ўзининг ривожланган филиал тармоғи ва омонат касса-ларига эга. Уларнинг асосий йўналиши тегишли барча банк опера-цияларини амалга ошириб, корхона ва ташкилотларга моддий ёрдам кўрсатишдан, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлашдан иборатдир. Ўтган давр ичида банкнинг сало-ҳияти янада ортди. Бу ўз ўрнида банк портфелини кенгайтириб, ҳозирги кунда унинг қиймати 85 миллиард сўмдан ортиқроқни ташкил этади. Қолаверса, ушбу банк республикаимиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга молик қурилиш лойиҳаларига 73 миллиард сўм миқдорда кредит ажратган. Буни Шўртангаз ва кимё комплек-си, Қўнғирот сода заводи, Толимаржон ГРЭСи ҳамда саноатимизнинг бошқа лойиҳаларида кўришимиз мумкин.

Банк фаолиятида бундай натижалар миллиардлаб суммани ташкил этади. 2000 йилда кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркор-ларга берилган банк кредитлари ҳисобига 3000 дан ортиқ иш жойлари ташкил топди ва 1,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бугунги кунда банк ўзининг ривожланиш ҳажмини янада кенгайтириб, кредитлаш учун сарф қилинадиган маблағини 15 миллион АҚШ долларига тенглаштирган ҳолда бу борада халқаро линиялари очини ҳам режалаштирган. Халқаро Молия корпорация-си, Осиё Ривожланиш банки ва Германиянинг етакчи банклари билан йўлга қўйилган самарали ҳамкорлик бунга мисол бўла олади.

—2001 йилги режаларимизни ўтган йил сингари ривожлантириб, банк микрокредитларининг 68 фоизидан ортиқроғини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, 16 фоиздан ортиқ-роғини саноат ишлаб чиқаришга, 16 фоиздан ортиқроғини қури-лиш ва бошқа соҳаларга йўналтирмоқчимиз,— дейди банк бошқаруви раиси Қиёмиддин Рустамов.

Дарҳақиқат, банкда бу соҳада амалга оширилган ислохотлар мижозларнинг кўпайишига, банкнинг янада ривожланишига замин бўлиб хизмат қилади. Яна бир нарсани қувонч билан таъкидлаш лозимки, бу ерда хизмат қилаётган 400 та банк ходимларининг 50 фоизини 30 ёшгача бўлган кадрлар ташкил қилади. Бу эса банкнинг кадрлар масаласига жиддий эътибор бераётганлигидан далолат бериб турибди.

Вақоланки, ҳар муассаса, корхона ёки ташкилот ўзининг кела-жаги учун замин яратдими, демак, бу жойда ҳар доим ривожланиш юқори даражада бўлишига шубҳа йўқ.

БАНК ФИЛИАЛЛАРИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси
Қорақалпоғистон филиали. Нукус ш, Шомуродова кўч, 117-а уй.
(36121) 22-93-24, 22-93-25, 22-93-26
2. Андижон вилояти
Андижон филиали. Андижон ш, Бобур шоҳ кўч, 36 (3742) 22-17-25,
22-17-24, 22-16-15
3. Бухоро вилояти
Бухоро филиали. Бухоро ш, Навоий шоҳ кўч, 5
(3652) 23-48-59, 23-46-53, 23-78-24
4. Қашқадарё вилояти
Темирйўл филиали. Қарши ш, Мўминов шоҳ кўч, 7
(37522) 4-45-90, 4-41-85, 4-31-20
5. Навоий вилояти
Навоий филиали. Навоий ш, Меъморлар - 7
(43622) 24-50-71, 24-69-21, 24-53-91
6. Наманган вилояти
Наманган филиали. Наманган ш, Дўстлик шоҳ кўч, 19
(36922) 4-03-61, 6-52-90, 4-03-56
7. Самарқанд вилояти
Самарқанд филиали. Самарқанд ш, А.Икромов кўч, 13
(3662) 21-06-29, 21-47-21, 21-44-30
8. Сурхондарё вилояти
Шарғун филиали. Шарғун ш, Шахтёрлар кўч, 29
(37648) 4-36-87, 4-31-30, 4-33-54
9. Сирдарё вилояти
Сирдарё филиали. Гулистон ш, Навоий кўч, 48
(3672) 25-17-61, 25-19-55
10. Тошкент вилояти
Тошкент вилоят филиали Тошкент ш, Абай кўч, 10- а
(3712) 144-56-10, 144-50-21, 144-51-16
11. Фарғона вилояти
Фарғона филиали. Фарғона ш, Қомус кўч, 42
(3732) 24-47-48, 24-38-51, 24-88-30
12. Хоразм вилояти
Хоразм филиали. Урганч ш, Баҳодирхон кўч, 183
(36222) 6-10-16, 6-65-88, 6-19-45
13. Тошкент шаҳри
Тошкент шаҳри филиали. Тошкент ш, Пушкин кўч, 5
(3712) 133-69-41, 133-34-45, 136-06-54.

Марказий офис:

700000, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-50

«НАМУНА - СЕРВИС»

иллий ишлаб чиқариш корхонаси



Ҳашоратларга,
кемирувчиларга ва
патоген
микробларга
қарши курашда ўз
хизматини
таклиф этади.

МАНЗИЛ:

Тошкент ш., Мавлонов кўчаси, 37. Тел.: 54-90-51, 180-65-15.



SM-SERVICE

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ФИРМАСИ

Барча турдаги компьютер,
факс, принтер ва нусха кўчи-
риш техникаларини таъмир-
лаш, сервис хизмати кўрса-
тиш;
Мониторларни таъмирлаш;
Нусха кўчириш аппаратлари-
нинг картрижларини тиклаш;
Компьютерларни такомил-
лаштириш;
Дастурлар билан таъминлаш;
«Вирус»лардан даволаш;
Полиграфия ва нусха кўчи-
риш хизматлари;
Камёб аппаратларни тонер-
лар билан таъминлаш ишла-
рини

SM-service аъло
даражада бажаради.



Манзил:

Тошкент ш., П-5, 38-уй, 7-офис.

Мурожаат учун телефонлар: (3712) 35-10-30. Факс: (371) 137-66-20.

ФУТБОЛ**МАҚСАД АНИҚ,
РАҚИБЛАРИМИЗ
ҲАМ**

Келгуси йилнинг айнан шу вақтларида Япония ва Кореяда бўлиб ўтадиган футбол бўйича навбатдаги 17-жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалар учун кураш ҳозирда барча қитъаларда айни авжга чиққан.

Осиё қитъаси миллий терма жамоалари учун бериладиган 2,5 та йўлланма учун саралаш ўйинлари биринчи босқичидан 10 та: Уммон, Саудия Арабистони, Қатар, Бирлашган Араб Амирлиги, Кувайт, Бахрайн, Ирок, Эрон, Хитой, Таиланд ва Ўзбекистон миллий терма жамоалари муваффақиятли ўтганликлари футбол ишқибозларига яхши маълум. Улар шу йилнинг 1 июнида Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида бўлиб ўтадиган қуръа ташлаш жараёнида рақибларимиз ким бўлишини ҳаяжон билан кузатишгаётган эдилар.

Бунга эса сабаб сўнгги йилларда бизларни "хафа" қилган Саудия Арабистони ва Эрон терма жамоалари билан бир гуруҳга тушиб қолиш эҳтимоли мавжудлиги эди.

Хайриятки, қуръа ташлаш натижаларидан, ўйлайманки, мамлакатимиз, бундан ташқари, бизнинг жамоа учун жон куйдирадиган бошқа давлатлардаги футбол ишқибозлари катта қониқиш ҳосил қилдилар. Чунки, қитъамизда ҳақиқатдан ҳам энг кучли ҳисобланадиган Саудия Арабистони ва эронлик футболчилар билан рўбарў бўлишдек кўнгилсиз ҳолат футболчиларимизни четлаб ўтди. Агарда бу икки жамоа билан бир гуруҳга тушиб қолганларида футболчиларимиз учун ягона йўлланмани қўлга киритиш масаласи жуда қийинлашган бўлар эди.

Қуръага кўра, ўзбекистонликлар иккинчи босқичда Хитой, Бирлашган Араб Амирлиги, Уммон ва Қатар давлатлари футболчилари билан майдонга тушадиган бўлди. Юқоридаги фикрларимиз асосида бу гуруҳда футболчиларимиз осонлик билан галабага эга бўлади, деган хулоса чиқариб бўлмайди. Аввало, рақибларимизнинг 2-босқичга чиқишлари беҳиз эмас. Қолаверса, бизга гуруҳдош бўлган давлатларнинг терма жамоалари кейинги йилларда анча кучли ўйин кўрсатмоқдалар. Шу сабабли ҳам терма жамоамиз иштирок этадиган гуруҳда ғолиб бўлиш учун кураш жуда кескин ўтиши табиий. Ўйлаймизки, футболчиларимиз, уларнинг мураббийи В.Сальков ва футболимиз учун мутасадди кишилар буни яхши англайдилар.

Энди рақибларимиз тўғрисида қисқача тўхталиб ўтсак. Гуруҳ ғолиблиги учун энг асосий рақибимиз сўзсиз хитойликлар ҳисобланади, уларнинг 100 фоизлик натижа кўрсатиб, 2-босқичга йўл олганликлари буни исботлаб турибди. Бундан ташқари, уларнинг сўнгги йилларда футболни ўта ривожланган Жанубий Америка ва Европанинг бошқа кучли терма жамоалари ва супер клублари билан тенгма-тенг курашганликлари алоҳида таъкидлаш лозим. Хитойликларнинг 2002 йилда "бир девор" қўшилари бўлган Япония ва Корея давлатларида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатининг финал қисмида қатнашиши, бир ярим миллионданга яқин ўз ишқибозларини хурсанд қилиш иштиёқида жон-жаҳдлари билан ўйнашлари табиий.

Гуруҳдаги иккинчи асосий рақибимиз — Бирлашган Араб Амирликлари футболчиларидир. Уларнинг айниқса, бизнинг футболчиларимиз билан бўладиган ўйинларида, сўнгги ўзаро ўйиндаги аламли мағлубият ўчини олиш учун ҳар нарсасига қодир эканлиги тушунарли ҳолдир.

Лекин, Хитой ва БАА миллий терма жамоалари билан бўлиб ўтадиган ўйинларда руҳий устунлик ўзбекистонлик футболчиларда эканлигини таъкидлаш жоиз, чунки расмий мусобақаларда, яъни 1994 ва 1998 йилларда хитойликлар биздан икки мартаба енгилганлар. БАА футболчилари эса, 1999 йил кузида ўз майдонларида футболчиларимиздан доғда қолишган, ҳужумчимиз М.Шақчих киритган ягона гол уларни Осиё чемпионатининг финал қисмига бериладиган ягона йўлланмадан маҳрум қилган эди. Аммо, футболчиларимизга бу ҳолатлар аксинча таъсир этмасликлари, яъни рақибларимиздан кучлимиз деган кайфиятни келтириб чиқармаслиги керак.

Миллий терма жамоамиз тарихида энг омадсиз бўлган 2000 йил кузида Осиё кубоги ўйинларидаги қатнашувида ҳам жамоа Қатар футболчиларига ютқиштирмаган эди. Шундай бўлса-да, футболчиларимиз Қатар, шунингдек, Уммон футболчилари кучига тўғри баҳо беришган ҳолда улар билан ҳам масъулятни хис қилган ҳолда ўйнайдилар, деб ўйлаймиз.


Хуллас, Осиёнинг энг кучли ҳисобланган Япония ва корейлик футболчиларисиз ўтаётган, улардан кейин энг кучлилар ҳисобланган Саудия Арабистони ва эронлик футболчилар бошқа гуруҳга тушиб қолганлиги натижасида футболчиларимиз олдида навбатдаги жаҳон чемпионатида қатнашиш учун қўлай имконият яратилди.

Умид қиламизки, футболчиларимиз, мураббийлар ва футболимиз мутасаддилари яратилган бу тарихий имкониятни қўлдан чиқармайдилар ва ҳалқимизнинг миллий гурури юксалишига омил бўлувчи галабани қўлга киритадилар.

Бунинг учун тўла асос ва имкониятлар мавжуд. Чунки Ўзбекистон миллий терма жамоаси 1994 йилдан сўнг ҳозирги кунда яна кучли ва жиддий масалаларни ижобий ҳал қилиш салоҳиятига эга жамоа сифатида шакланган.

Бу ҳақида кейинги шарҳларимизда атрафлича тўхталиб ўтамиз.

А.АБДУҒАНИЕВ

КРОССВОРД

Энига:

1. Сарик гулли, дуккакки чўл ўсимлиги. 4. Отнинг иштаҳасини очадиган ўсимлик. 8. Навоий вилоятдаги туман. Чўл ва адирларда ўсадиган паст бўйли бир йиллик ўт. 13. Порлоқ келажақ, бахтли тақдир. 14. Кийимнинг ички қавати. 15. Пойтахтдаги кенг тармоқли фирма. 16. Нон устидаги дон. 18. Думли юлдуз. 19. Ун махсулотидан тайёрланадиган таом. 20. Инсонни кўрқувга соладиган қурол. 24. Сицилиянинг шимолидаги кичик орол. 25. Қалъа бошлиги. 27. Ёзув, хат, мактуб. 29. Умид болганган нарса (кимса). 31. Спортнинг бир тури. 32. Бўйида ёли бор, жуни дагал йирткич сут эмизувчи хайвон. 33. Ургочи чўчка. 34. Сулавеси оролида яшайдиган қуёш шохлилар оиласига мансуб жуфт туюкли хайвон. 35. Ўн икки буржнинг бири.

Бўйида:

2. Қадимги Римга асос солган шох. 3. Йўлнинг чети, киргоғи. 4. Амир Темур мансуб уруғ. 5. Сув остини кавлайдиган асбоб. 6. Ҳунармандлар, савдогар ва руҳонийларнинг қадимги устки кийими. 7. Зодагонларни кўтариб юрадиган ёпиқ замбил. 10. Нобель мукофоти соҳиби, ирланд шоири ва драматурги. 11. Қимматбахо тош. 12. Бошоқли дон. 17. Катта-катта баргли тропик ўсимлиги. 18. Ёрдам, мадад. 21. Чорвачилик тармоғи. 22. Узунчок рус номи. 23. Асарларини таҳаллус билан ёзадиган муаллифнинг асл номи. 24. Жамғармалардан бири. 26. Эркакаларнинг кураксимон шохлари бўлган жуфт туюкли хайвон. 27. Қишлоқ хўжалик қуроли. 28. Филдракнинг резина ғилофи. 30. Пул ўрнига ўтадиган металл нишон. 31. Андинонинг қалбини забт этган малика.

Кутлов

Азиз ва меҳрибон
дадажонимиз Комилжон
Шарафбой ўғли ҳамда су-
воқли қизимиз Шоҳидаҳол!
Сизларни таваллуд айё-
мингиз билан самимий кут-
лаймиз. Аллоҳ умрингизни
узок, тани-жонингизни соғ
қилсин. Омонат дунёнинг
жамики яхшиликлари Сизга
бўлсин!

Оила аъзоларингиз
номидан Сарвинос,
Боёвут тумани

Меҳрибон онажоним
Хилбархон, азиз жисарла-
рим Азамжон ва Жамилла-
зонлар!

Сизларни тугилган кун-
ларингиз билан чин дилдан
табриклаймиз. Сизларга
соғлиқ-саломатлик, бахт ва
омад тилаймиз. Чеҳрангиз-
дан ҳеч вақт қулгумаримасин
деб яқинларингиз номидан

Химоят,
Андижон вилояти,
Улугнор тумани

Азиз синфдошлар!

Сизларни жонажон мак-
табимизни тугатиб, муста-
қил ҳаётга йўлланма олган-
ликларинг билан чин қалб-
дан табриклайман. Сизлар-
нинг эзгу орзуларингиз
ушалишига тилақдошман!

Нарғиза,
Тошкент шаҳридаги
113-мактаб
битирувчиси.

ЮЛДУЗЛАР ҲАЁТИ**ЭЛТОН ЖОННИНГ
ҚАРОРИ**

Лондондаги Christie's аукционида машҳур хонанда ва баста-кор Элтон Жон коллекциясидаги 20 та автомобиль қимомиди савдосига қўйилган бўлди. Ҳозирча уларнинг нархи ярим миллион долларга тенг деб баҳоланмоқда. Элтон Жоннинг сўзларига қараганда, у бу автомобилларни пулга зарурат бўлгани учун эмас, улардан фойдаланиш учун вақт тополмаётганлиги, уларга ҳечам эҳтиёжи йўқлиги учун сотувга чиқарган. Яна у ўзи каби бошқа автомобил ишқибозларининг ҳам бундай тезорар техникаларда юриш завқидан баҳраманд бўлишини хоҳлагани учун ҳам сотиш фикрига келганини эътироф этган.

Элтон Жоннинг шахсий автомобиллари сақланаётган гараж икки блокдан ташкил топган бўлиб, ҳар бири 26 автони ўз

"кучоғи"га олиши мумкин. Гараж соҳиби хонанда эмасми, бино энг сўнгги русумдаги товуш жиҳозлари билан жиҳозланган.

Асли исми — Режис-нальд Кеннет Двайт бўлган Элтон Жон 17 ёшида ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга муваффақ бўлган эди. Кейинчалик шон-шухрат ва бойлик соҳиби бўлган Элтон Жон автомобилларнинг шахсий коллекциясини жамлашга киришиб кетди. Унинг дастлабки сотиб олгани Ford Pop, Austin Somerset каби оддий автовлар эди. Ҳашаматли автомобиллардан илк марта Ford Escort GT ни харид қилди. Шундан сўнг у автомобиллар коллекциясини жамлашга жиддий киришди: ҳозирда унинг ушбу коллекциясида автонинг классик моделларида тортиб энг сўнгги марказдаги спорт автомобилларигача ўрин олган.

Бугунга келиб машҳур Элтон Жон бу овунчоларидан воз кечишга қарор қилди. У хатто бақлажон рангидаги севимли Aston Martундан ҳам воз кечмоқчи. Шунингдек, қора рангли Rolls Rouceni ҳам сотиш ниятида. Хуллас, у ўзида бор-йўғи 8 та автомобилни қолдирмоқчи.

З.ҲАМДАМОВА тайёрлаган

ТУРФА ОЛАМ

ФЛОРИДА штати фуқароси маҳаллий отқорлардаги эркакарл ҳоҳлатхонасида 2 метрлик тимсоҳ—аллигаторни кўриб анграйиб қолди. Тезда хушини йиғиб олган америкалик эшикни ёпиб, пол ювадиган таёқ билан тамбалаб қўйди. Сўнгра бамайлихотир табиатни кўриқлаш хизмати ходимларини чақиритишга тутинди. Мутахассислар тимсоҳни бир амаллаб олиб кетишди. Аммо, тимсоҳ бу ерга қандай келиб қолганига ҳамманинг боши қотган.

ЭДИНБУРГДАГИ Safeway супер-макети хизматчилари росмана актёрликдан дарс олишар экан. Бу уларнинг мижозлар билан муомалаларида асқотар эмиш. Машғулотларни профессионал актёрлар олиб бора экан. Актёрлик курсларига қатнаш сотувчиларга ва харидорларни кутиб олувчиларга маъмурият томонидан мажбурий деб белгилаб қўйилган.

ИСПАНИЯЛИК олимлар XIII асрда яшаб ўтган афсонавий икки бошли қирол Хайме I қабрини очиб, ўрганишди. Унинг қабридан 2 та бош суяги топган мутахассислар ҳайратга тушишни ДНК экспертизадан кейинга қолдиришди.

